

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАББАРОВ УЛУҒБЕК АБДУРАХМАНОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ  
ЖАРАЁНИНИ АНГЛИЯ ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАСИ  
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Жаббаров Улуғбек Абдурахманович**

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш.....3

**Жаббаров Улуғбек Абдурахманович**

Совершенствование процесса подготовки будущих учителей английского языка на основе педагогического опыта Англии.....21

**Jabbarov Ulugbek Abduraxmanovich**

Improvement of the process of training future English teachers based on the pedagogical experience of England.....40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of publication.....44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАББАРОВ УЛУҒБЕК АБДУРАХМАНОВИЧ**

**БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ  
ЖАРАЁНИНИ АНГЛИЯ ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАСИ  
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped300 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нурманов Абдиназар Ташбаевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедова Лайло Талибжановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Кадирова Мунира Расуловна**  
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат чет тиллари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tgpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tgpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86.

Диссертация автореферти 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, п.ф.н., доцент

**Н.А. Муслимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимидаги интеграцион жараёнлар, таълимнинг халқаролашуви шароитида жаҳон тилларини мукаммал эгаллаган, халқаро стандартларга жавоб бера оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг кредит-модулли технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда «...барча халқаро алоқаларнинг 90% дан ортиғи ва хужжат айланиши инглиз тилида амалга оширилиши...»<sup>1</sup> эътиборга олинган ҳолда, тил ва маданиятни ҳамоҳанг ўргатиш, маданиятлараро мулоқот компетенцияларини ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларнинг тил ўрганиш бўйича касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштиришда хорижий илғор тажрибалар асосида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-касбий компетенцияларини ривожлантириш, ахборот-коммуникацион таълим муҳитини яратиш, ташкилий инновацион шарт-шароитларни белгилаш, илғор тажрибалар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-коммуникатив ва ижтимоий-маданий компетенцияларини такомиллаштириш, мобил технологияларни таълим жараёнига жорий этиш, профессор-ўқитувчилар илмий-методик салоҳиятини илғор хорижий тажриба асосида узлуксиз ошириш, таълимни маданиятга йўналтириш, «intercultural dialogue» – маданиятлараро мулоқотга асосланган педагогик технологияларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятига жадал интеграциялашуви, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳамда халқаро алоқа ва муносабатларнинг глобаллашуви шароитида чет тилларни мукаммал эгаллаган кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплашнинг меъёрий асослари ва моддий-техника базаси яратилмоқда. «Таълим ташкилотининг ўқув воситаларига оид шартларини қайта кўриб чиқиб, ўқитишнинг масофавий (онлайн) технологияларига оид алоҳида талабларни белгилаш, таълим бериш жараёнини тан олинган хорижий ва халқаро стандартлар асосида ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни шакллантириш»<sup>2</sup> устувор вазифа этиб белгиланди. Бу борада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги

<sup>1</sup> Россия Федерациясида «Чет тиллари» фанини ўқитиш концепцияси. <http://саскалинская-школа.шимобр.рф/wp-content/uploads/2022/01/Kontseptsiya-angl.pdf>

<sup>2</sup> «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 312-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. – Тошкент, 2021 йил 19 май.

ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 21 июндаги ПҚ-289-сон «Педагогик таълим сифати ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз узлуксиз таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш муаммолари Р.Х.Джураев, Р.Г.Исянов, О.М.Мусурманова, Н.А.Муслимов, А.Т.Нурманов, Б.С.Абдуллаева, К.Ж.Рискулова, Д.И.Рўзиеваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Узлуксиз таълим тизимида чет тилларини ўқитишнинг илмий-методик жиҳатлари М.Х.Артиқова, Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, Н.К.Ибрагимова, Г.Т.Махкамова, М.Сайдуллаева, О.Сотиболдиев, С.Х.Файзуллиналар томонидан ишлаб чиқилган. Г.С.Кинжаева, Д.Турсунова, М.М.Юлдашевларнинг тадқиқотларида касбий йўналтирилган ёндашув асосида чет тилларини ўрганиш жараёни ёритиб берилган. Г.Н.Пирманова ўз диссертациясида талабаларнинг инглиз тилига қизиқишини ошириш воситаси сифатида Англиянинг бадий меросини ўрганиш, Ф.И.Ибрагимова эса бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини Англия маданиятига қизиқишларини шакллантириш орқали такомиллаштириш зарурлигини асослаб берган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан Е.Абазовик, Г.Андреева, Е.Верешагин, Ж.Витлин, Н.Воскресенская, Б.Вульфсон, А.Джуринский, В.Костомаров, З.Малькова, Н.Никандров, А.Паринов, Д.Сабирова, В.Сафонова, Г.Томахинлар Буюк Британияда ўқитувчилар тайёрлаш жараёнининг тарихи, узлуксиз педагогик таълимнинг назарий ва амалий масалаларини; тьюторлик очик таълим тизими феноменини Э.Гордон, Л.Долгова, Л.Лапова, А.Маховлар, Е.Белицкая, С.Дудчик, Т.Ковалевалар тьюторлик фаолиятининг асослари, шакл ва методларини тадқиқ этишган.

Хорижда узлуксиз педагогик таълим муаммолари D.Bridges, J.Elliott, T.Kerry, C.Kyriacou, G.Petty, A.Ryan, L.Stenhouse, E.Stones, L.Tickleлар томонидан тадқиқ этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитларини таҳлил этиш;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенциясини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

Англия ва Ўзбекистонда ўқитувчилар тайёрлашнинг умумий хусусиятларини аниқлаштириш;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мустақил таълим олиш фаолиятини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш жараёни танлаб олиниб, Жиззах давлат педагогика институти, Тошкент давлат педагогика университети ва Қўқон давлат педагогика институтларининг 360 нафар респондент-талабаси иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияларини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда педагогик, психологик ва лингводидактик адабиётлар ҳамда инновацион педагогик тажрибани назарий таҳлил этиш; моделлаштириш; эмпирик методлар (кузатиш, анкета, тест, ўз-ўзини баҳолаш, интервью, рейтинг), эксперимент; эксперт баҳолаш; ҳужжатларни таҳлил қилиш (ДТС, ўқув режа, фан дастурлари); математик-статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияси даражалараро лингвоэтномаданий хусусиятлар, вербал ва новербал хулқ-атворидаги нутқий мукамаллик, билим олиш ҳамда мулоқотга интилиш фаоллигини ошириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенциясини ривожлантириш модели ўқитувчининг шахсий кўникмалари ва малакаларини манзилли ривожлантиришга қаратилган адекват эмоционал-қадриятли мотивларга мутаносиб миқдорий ҳамда сифат кўрсаткичларни ошириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияси бир-бирини тушунишга бўлган реал тайёрлик ҳамда мулоқот мақсадларига корпоратив валидлигини декларатив билимлар ва шахсий хусусиятларга идентивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мустақил таълим олиш фаолияти ташкилий-методик ёрдам тизими ривожланишига қаратилган эркин дискуссия элементлари ҳамда муаммоли интерфаол маърузаларни киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенциялари ривожланганлик даражасини аниқлашнинг диагностика параметрлари ишлаб чиқилган;

Англия педагогик тажрибаси асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенциясини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилган, «Чет тилларини ўқитишнинг халқаро тажрибалари» номли танлов фан бўйича электрон дарслик (DGU № 07474) мазмунига сингдириш орқали амалиётга жорий этилган.

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияларини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш жараёнида тьюторлар тайёрлаш бўйича ўқув курси ва унинг методик таъминоти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот материалларининг хилма-хиллиги ва ҳажми, тадқиқот объектига мос методлардан фойдаланилганлиги, педагогик тажриба-синов ишлари давомийлиги ҳамда респондентлар сонининг етарли даражада юқорилилиги, натижаларнинг математик-статистик методлар воситасида қайта ишланганлиги, диссертантнинг бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича касбий фаолият жараёнида фаол иштироки ҳамда диссертацияда шакллантирилган илмий хулосалар ва тавсиялардан бошқа соҳа мутахассисларини тайёрлаш амалиётида фойдаланиш имкониятлари билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштиришнинг концептуал модели ишлаб чиқилганлиги, чет тилда касбий компетенция, илғор педагогик тажриба тушунчалари илмий-педагогик моҳиятининг аниқлаштирилганлиги ҳамда уларни баҳолаш принциплари, методлари ва параметрларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибалар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштиришга қаратилган курсларни ишлаб чиқиш, бўлажак ўқитувчилар учун дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуаларни яратиш, инглиз тили ўқитувчилари учун малака ошириш курсларида фойдаланиш имкониятлари билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш бўйича илмий натижалар:

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияси даражалараро лингвоэтномаданий хусусиятлар, вербал ва невербал хулқ-атворидаги нутқий мукамаллик, билим олиш ҳамда мулоқотга интилиш фаоллигини ошириш асосида такомиллаштириш бўйича маълумотлар асосида «ESP PART 1» номли дарслик ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сон буйруғи билан берилган 285-110-рақамли нашр рухсатномаси) Натижада бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг сифатини оширишга эришилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенциясини ривожлантириш модели ўқитувчининг шахсий муҳим кўникмалари ва малакаларини манзилли ривожлантиришга қаратилган адекват эмоционал-қадриятли мотивларга мутаносиб миқдорий ҳамда сифат кўрсаткичларни ошириш асосида такомиллаштиришга доир тавсиялар асосида «Нутқ малакалари интеграцияси» дарслиги ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 декабрдаги 676-сонли буйруғи билан берилган 676-149-сонли нашр рухсатномаси). Натижада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни сифатини баҳолаш самарадорлигига эришилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияси бир-бирини тушунишга бўлган реал тайёрлик ҳамда мулоқот мақсадларига корпоратив валидлигини декларатив билимлар ва шахсий хусусиятларга идентивлигини таъминлаш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар асосида «ESP PART 1» номли дарслик ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сон буйруғи билан берилган 285-110-рақамли нашр рухсатномаси). Натижада бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим дастурларини лойиҳалаштириш технологияларини такомиллаштириш имкони оширилган:

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мустақил таълим олиш фаолияти ташкилий-методик ёрдам тизими ривожланишига қаратилган эркин дискуссия элементлари ҳамда муаммоли интерфаол маърузаларни киритиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида «Нутқ малакалари интеграцияси» дарслиги ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 декабрдаги 676-сонли буйруғи билан берилган 676-149-сонли нашр рухсатномаси). Натижада, талабаларга инглиз тилини ўргатишнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, унинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети белгиланган. Диссертация мавзуси бўйича мамлакатимиз ва чет эл олимларининг тадқиқотлари асосида мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, илмий янгиликлари, тадқиқот натижаларининг мазмуни ва ишончлилик даражаси, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Амалиётга татбиқ этилган маълумотлар, чоп этилган натижалар, ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар тақдим қилинган.

Диссертациянинг «**Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда чет тилларини ўрганишнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий аҳамияти очиб берилган. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг ажралмас қисми сифатида чет тилнинг роли ва таърифи очиб берилган, чет тил мутахассисининг коммуникатив компетенцияси унинг касбий тайёргарлигининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилган. Англия узлуксиз педагогик таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Тадқиқот мавзусига доир илмий тушунчалар педагогик талқин этилган.

Чет тилларни ўрганиш жараёнида талабаларнинг нафақат лингвистик компетенциялари шаклланади, балки уларда хорижий мамлакатлар маданияти билан яқиндан танишиш имконияти пайдо бўлади, маданиятшуносликка оид билим, кўникма ва малакалари ривожланади ҳамда маънавий маданияти камол топади. Бугунги ижтимоий-маданий алоқаларнинг глобаллашган шароитида инсон маданиятлар сарҳадларида ҳаракат қилади, бошқа маданият вакиллари билан самарали касбий ва шахсий муносабатларга киришиш учун эса ундан диалогиклик, бошқаларни тушуна билиш, бошқа миллат ва элат вакилларини ҳурмат қилиш, толерантлик каби муҳим сифатлар талаб этилади.


Мамлакатимизнинг қатор педагог олимлари, жумладан, У.Ш.Бегимқулов, У.И.Иноятов, Р.Г.Исянов, Р.Х.Джураев, Н.А.Муслимов, Н.М.Эгамбердиева, Ш.С.Шарипов, А.Т.Нурманов, М.Б.Уразоваларнинг илмий ишларида узлуксиз таълим тизимида, хусусан, олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш муаммолари, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни ҳамда илғор хорижий тажрибани жорий этиш, таълим субъектларида креатив, ижодий ва эмоционал қобилиятларни ривожлантириш, бўлажак ўқитувчиларни самарали мулоқот технологиялари ва техникасига тайёрлаш каби муаммоларнинг мазмун-моҳияти ва илмий-амалий жиҳатлари очиб берилган.



**1-расм. Ўзбекистон ва Англия педагогик таълим тизимининг умумий ва ўзига хос хусусиятлари**

Диссертацияда республикаимиз педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш хорижий олий таълим муассасалари, Англия узлуксиз педагогик таълим тизими, унинг ривожланиш тенденциялари, педагогик деонтологиянинг ўзига хос жиҳатлари, ушбу соҳага оид илмий-тадқиқот ишлари, давлат таълим стандартлари, республикаимиз олий таълим муассасаларида улардан унумли фойдаланиш йўналишларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этади. Англияда узлуксиз педагогик таълим тизимининг ривожланиш тенденциялари ва ўзига хос

хусусиятлари таҳлил этилиб, республикамиз олий таълим муассасаларида улардан фойдаланиш куйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келинган: касбий педагогик таълимни универсаллаштириш, интеграциялаш ва мазмунининг вариативлиги ҳамда узвийлигини таъминлаш; бозор механизмларидан самарали фойдаланиш; илмий-тадқиқот ишларини таълим ва таълимни бошқариш фаолиятлари билан интеграциялаш, глобал жараёнлар контекстида бирлаштириш; таълим буюртмаларини узлуксиз педагогик таълим тизимига трансляция қилишнинг самарали механизмларини яратиш; узлуксиз педагогик таълим сифатини объектив диагностика қилишга мўлжалланган замонавий диагностика концепциялари ва моделларини такомиллаштириш.



**2-расм. Ўзбекистон ва Англия педагогик таълим тизимининг концептуал модели**

Диссертацияда Ўзбекистон ва Англияда ўқитувчилар тайёрлаш тизимини қиёсий ўрганиш натижасида ушбу мамлакатлар педагогик таълим тизимида умумий ва ўзига хос хусусиятлар аниқланган (1-расм).

Амалга оширилган қиёсий таҳлил натижасида Буюк Британия ва Ўзбекистонда ўқитувчилар тайёрлашни ташкил этиш, ушбу соҳа тузилмаси, мазмуни ҳамда мақсад ва қадриятларида умумий ва хусусий жиҳатлар аниқланди. Натижада Ўзбекистон ва Англия педагогик таълим тизимининг концептуал модели ишлаб чиқилди (2-расм).

Бу эса, ўз навбатида, республикамизда ўқитувчилар тайёрлаш борасида мавжуд муаммоларни илғор хорижий тажрибалар, жумладан, Буюк Британия узлуксиз педагогик таълими сифатини ошириш борасидаги инновациялар асосида ҳал этиш имкониятини беради.

Диссертациянинг **«Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини такомиллаштиришда Англия педагогик тажрибасидан фойдаланиш»** деб номланган иккинчи бобида хорижий педагогик тажрибанинг моҳияти ва аҳамияти, Англия педагогик тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари, илғор педагогик тажрибани баҳолаш принциплари, методлари ва параметрлари ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетенциясини такомиллаштириш мезонлари очиқ берилган. Диссертацияда «тажриба», «педагогик тажриба», «илғор педагогик тажриба», «новаторлик педагогик тажриба», «хорижий педагогик тажриба» каби тушунчаларнинг педагогик моҳияти очиқ берилган.

Хорижий педагогик тажриба ва педагогик тажриба тушунчаларини таққослаш натижасида улар ўртасидаги принципиал фарқни аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Биринчиси, қиёсий педагогика ва педагогика тарихига оид тадқиқотларда қўлланилиб, хорижий педагогик тизимларнинг турли хил хусусиятларини, хорижий таълимнинг ривожланиш тенденцияларини ёритиб беради. Кенг маънода хорижий педагогик тажриба деганда, биз хорижий мамлакатда бизнинг мамлакатимиздан фарқли ижтимоий-маданий шароитларда пайдо бўлган ва ривожланган тажриба, турли шакл ва турли даражаларда амалга оширилган амалиётни тушунамиз.

Диссертацияда юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, уларни бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенциялари ривожланганлигининг мавжуд ҳолати билан солиштириш асосида ўрганилаётган жараённинг самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичлари такомиллаштирилган (1-жадвал).

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришда Англия педагогик тажрибаси таҳлили ҳамда ўқитувчилар фаолиятининг самарадорлик мезонларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Тажриба-синов ишлари жараёнида биз талабаларнинг чет тилида касбий компетенциясини шакллантириш учун энг мос ва самарали усул ва технологияларни, жумладан, лингвистик ва касбий маълумотларни қидириш ва танлаш; муаммоли-лойиҳавий технологиялар; инновацион педагогик вазият; коммуникатив технологиялар; ишбилармонлик ўйинларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик.

**Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик  
компетенцияларини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари**

	<b>Мезонлар</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>
1	<b>Мотивацион</b>	Бўлажак ўқитувчиларнинг босқичма-босқич касбий компетентлигини ошириб боришга қаратилган коммуникатив эҳтиёжларини қондириш
2	<b>Когнитив - функционал</b>	Таълим ва тарбия сифатини таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш, касбий тезаурусни шакллантириш, вербал ва новербал хулқ-атворда зарур ифода воситаларини ўзлаштириш, шунингдек, касбий вазифаларни (касбий мулоқот, методик кенгаш ва семинарлар, конференциялар, очиқ маъруза ва семинарларда иштирок этиш) самарали бажариш учун зарур малакаларни эгаллаш, ўзгарувчан вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилиш ва ҳ.к.
3	<b>Ижтимоий-маданий</b>	Лисоний шахснинг мулоқотнинг аниқ мақсад ва шароитларига мос равишда касбий коммуникацияни амалга оширишнинг адекват йўлини танлаш қобилияти ва тайёрлиги, уни бошқариш, шунингдек, шахснинг толерантлик, бошқа маданият вакилини тушуна билиш каби сифатларининг ривожланганлик даражаси; жаҳон таълим жараёнларида бўлаётган ўзгаришлардан хабардорлик, ўз мамлакатида ҳамда хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиш, миллий ва умумбашарий интилишларини белгилайдиган сифатлар, ватанпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари ва бошқалар
4	<b>Касбий-коммуникатив</b>	Бошқа одамлар билан, чет эллик ҳамкасблар билан, ахборот оқимлари билан ўзаро алоқада бўлиш зарурати билан боғлиқ касбий ва коммуникатив фазилатларнинг шаклланганлик даражаси; маълумотларни қидириш, ўзгартириш ва узатиш қобилияти; гуруҳда ва жамоада турли хил ижтимоий ролларни бажариш, замонавий телекоммуникацион технологиялардан (электрон почта, Интернет) фойдалана олиш, ўз касбий компетентлигини доимий такомиллаштириб бориш ва ҳ.к.
5	<b>Рефлексив</b>	Таълим сифатига эришиш муҳим шартларидан бири сифатида таълим олувчилар томонидан ўз индивидуал таълим жараёнини баҳолай олиши; бўлажак ўқитувчининг эмоционал-кадриятли установкалари, унинг ўзини ўзи билиш ва ўзини ўзи бошқариш қобилияти, дунёда ўз ўрни ва ролини аниқлаш қобилияти

Диссертацияда бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияларини такомиллаштириш моделини амалиётга жорий этишда талабаларнинг ўзлари томонидан лингвистик ва касбий маълумотларни қидириш ва танлашга алоҳида эътибор қаратилган, чунки бундай маълумотлар тили ўрганилаётган мамлакатининг воқеликлари ва маданий объектларини акс эттириши билан бир қаторда педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг умумий


маданий ва касбий савияси даражасини оширишга хизмат қилади. Материалнинг касбий йўналтирилганлиги мавзу орқали очиб берилади.

Тажриба-синов ишлари натижасида Англия педагогик тажрибаси асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини такомиллаштириш модели шакллантирилди (3-расм). Ушбу модел ўз ичига бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини такомиллаштиришнинг самарали шакллари, технологиялари ҳамда педагогик шарт-шароитларини қамраб олади.

Ўтказилган тадқиқот қуйидаги хулосаларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Талабалар ва тьюторлар ўзаро муносабатларининг самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларга: таълим олувчиларда ўқув фаолиятига оид барқарор мотивлар ва эҳтиёжларнинг мавжудлиги, фаолият мақсади ва дастурининг қабул қилиниши; тьюторлик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш тажрибаси; назарий тайёргарлик, рационал режалаштириш, ҳаракат ва операцияларнинг бажарилиши, назорат ва объектив баҳолашнинг ташкил қилинганлиги; мазмун ва фаолият хусусиятларининг субъект индивидуал ўзига хос хусусиятлари, қизиқиш ва имкониятларига мос келиши; субъектнинг эмоционал-психологик ҳолатининг инобатга олинганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тьюторлик фаолияти олий таълим муассасаларида ўқув-ташкилий ва методик ишларнинг сифат даражасини кўтариш борасидаги замонавий мақсадларига мос келади; талабаларнинг таълим дастурларини уларнинг ўқув фаолиятларини янада юқорироқ даражада табақалаштирилган ҳолда баҳолаш асосида рағбатлантириш имкониятини беради; талабаларнинг аудиторияда ва мустақил ўқув ишларини доимий равишда ва самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади; инглиз тилида касбий компетенцияларини шакллантиришни фаоллаштиради. Аниқланишига кўра, хорижий тажрибага монанд равишда ушбу тизим олий таълим муассасаларида, масофавий ва очик таълимда, кўшимча таълим тизимида, фаолиятини бошлаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлашда, таълим тизими ходимларининг малакасини ошириш тизимида, шунингдек, аудиториядан ташқари ишларни ташкил қилиш ҳамда таълим олувчиларнинг касбий ўзини ўзи аниқлаш жараёнларида қўлланилиши мумкин.

Тьюторлик ишини оддий баҳоларда акс эттириш мумкин эмас. Бу янги танлов, нуқтаи назарларнинг ўзгариши, қабул қилинган қарорларнинг муаммоллаштирилиши, янги имкониятларнинг муҳокама этилиши, мулоқот ва баҳолаш борасида стереотиплардан воз кечиш, қарорлар қабул қилиш каби хулқ-атворнинг янги «маданий» шакллари кўринишида бўлиши мумкин. Тьюторлик ишининг маҳсулотлари портфолио, индивидуал ўқув режа ва дастурлари, шогирдларнинг тадқиқотлари ва лойиҳалари, тьюторлик кундалиги ва ҳ.к. ҳисобланади. Тьютор фаолиятининг самарадорлиги унинг тажрибаси, тайёргарлик даражаси ҳамда таълим муассасасининг ички имкониятлари, таълим соҳасининг мазмуни ва ҳ.к. омиллар билан боғлиқ. Тьюторнинг касбий тайёргарлиги ва фаолиятига ижодий ёндашув муҳим аҳамият касб этади.



**3-расм. Талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш модели**

Англиянинг тьюторлик таълим бериш ижобий тажрибасини Ўзбекистон олий таълим тизимида жорий этишнинг қуйидаги йўналишлари аниқланди: ўқитишнинг тьюторлик тизимининг аниқ тузилишини ташкил этиш; тьюторлар ва уларнинг шогирдлари (ўқувчилари) мажбуриятлари ва фаолият йўналишларини аниқ белгилаб бериш; онлайн – тьюторлик, талабалар тьюторлиги каби тьюторликнинг самарали турларини жорий қилиш; хусусий тьюторлар ва уларнинг ўқувчилари учун методик тавсияномалар яратиш; таълим тизимининг барча босқичларида тьюторлик тизимидан фойдаланиш ва ҳ.к.

Диссертациянинг «**Бўлажак инглиз тили ўқитувчисини тайёрлаш тизимида Англия педагогик тажрибасини татбиқ этиш самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида бўлажак инглиз тили ўқитувчилар касбий-педагогик компетенциясининг шаклландирилган даражаси аниқланган, бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг касбий-педагогик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришнинг амалий технологиялари такомиллаштирилган, талабаларнинг касбий-педагогик компетенциясини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш модели амалиётга жорий этилган ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институти инглиз тили ва адабиёти таълим йўналишларидан жами 360 нафар талаба жалб этилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида биз инглиз тилидаги материаллар асосида инновацион педагогик вазифаларни амалга оширишнинг икки босқичини аниқладик: чет тилда мулоқот шароитида (репродуктив босқич) таклиф этилган инновацион касбий ва педагогик вазифаларга қизиқиш уйғотиш; янги шароитларда педагогик тушунча ва схемаларни мустақил танлаш ва фойдаланиш, ўз қарорларини ишлаб чиқиш (ижодий босқич).

Биринчи босқичда касбий йўналтирилган педагогик вазифаларни белгилаш билвосита амалга оширилди: психологик, педагогик, махсус илмий ва фалсафий маълумотларни ўз ичига олган матнларни танлаш орқали; педагогик тажрибанинг маълум бир қисми тўғрисида мустақил баҳо, мулоҳазаларни талаб қиладиган вазифаларни қўя олиш орқали; ўрганилаётган мавзунинг психологик ва педагогик фанлар билан ўзаро алоқадорлигининг тематик харитасини ишлаб чиқиш; муаммоли, дастурлаштирилган, ўйин (контекстуал) таълим элементларидан умумтаълим муассасаларида фойдаланиш имкониятларини кўрсатиш шарти билан фойдаланиш.

Иккинчи босқичда қуйидагилар амалга оширилди: талабаларни бирон-бир машғулот фрагментини ташкил этиш методикасини, машғулот мазмунининг у ёки бошқа шакл самарадорлигини аниқлаш, назорат турларини муҳокама қилишга жалб этиш; ўзининг иш фаолиятини таҳлил қилишни талаб қиладиган ишбилармонлик ўйинларини, дидактик вазиятларни ташкил қилиш; талабаларни билим сифатининг дидактик категориялари билан таништириш – англаб олинганлик, таъсирчанлик, билимларни янги вазиятларга кўчириш.

Инновацион педагогик муаммоларни амалга оширишда талабаларга чет тилидан касбий мақсадларда фойдаланиш вариантлари таклиф қилинди:

педагогик вазият ҳақида диалог, педагогик матнларни шарҳлаш, вазиятлар, машғулотлар ва тарбиявий тадбирларни моделлаштириш.

2-жадвал


**Тажриба-синов ишларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияларини баҳолаш натижалари**

Мезонлар	Таълим муассасалари		1-танланма Тажриба гуруҳи				2-танланма Назорат гуруҳи			
			X <sub>i</sub>	5	4	3	Y <sub>i</sub>	5	4	3
Мотивацион	ҚДПИ	ТБ	60	9	24	27	60	8	27	25
		ТО	60	18	36	6	60	9	25	26
	ЖДПИ	ТБ	60	9	25	26	60	8	26	26
		ТО	60	17	39	4	60	9	26	25
	ТДПУ	ТБ	60	8	27	25	60	8	26	26
		ТО	60	18	37	5	60	10	23	27
	Жами	ТБ	180	26	76	78	180	24	79	77
ТО		180	53	112	15	180	28	74	78	
Когнитив-функционал	ҚДПИ	ТБ	60	9	25	26	60	8	26	26
		ТО	60	18	37	5	60	9	27	24
	ЖДПИ	ТБ	60	8	27	25	60	8	27	25
		ТО	60	16	38	6	60	8	26	26
	ТДПУ	ТБ	60	9	27	24	60	8	28	24
		ТО	60	18	36	6	60	8	25	27
	Жами	ТБ	180	26	79	75	180	24	81	75
ТО		180	52	111	17	180	25	78	77	
Ижтимоий-маданий	ҚДПИ	ТБ	60	8	26	26	60	7	27	26
		ТО	60	16	37	7	60	8	25	27
	ЖДПИ	ТБ	60	9	25	26	60	8	26	26
		ТО	60	17	36	7	60	9	26	25
	ТДПУ	ТБ	60	9	26	25	60	8	27	25
		ТО	60	18	37	5	60	9	28	23
	Жами	ТБ	180	26	77	77	180	23	80	77
ТО		180	51	110	19	180	26	79	75	
Касбий-коммуникатив	ҚДПИ	ТБ	60	6	24	30	60	5	25	30
		ТО	60	14	35	11	60	6	22	32
	ЖДПИ	ТБ	60	5	25	30	60	4	26	30
		ТО	60	13	36	11	60	5	28	27
	ТДПУ	ТБ	60	6	26	28	60	5	27	28
		ТО	60	14	37	9	60	6	26	28
	Жами	ТБ	180	17	75	88	180	14	78	88
ТО		180	41	108	31	180	17	76	87	
Рефлексив	ҚДПИ	ТБ	60	7	25	28	60	6	26	28
		ТО	60	15	36	9	60	7	24	29
	ЖДПИ	ТБ	60	9	24	27	60	7	27	26
		ТО	60	16	37	7	60	8	23	29
	ТДПУ	ТБ	60	9	25	26	60	8	26	26
		ТО	60	17	38	5	60	9	24	27
	Жами	ТБ	180	25	74	81	180	21	79	80
ТО		180	48	111	21	180	24	71	85	

Талабалар инглиз тилини касбий ўзаро муносабатлар ўрнатиш воситаси сифатида англашлари учун нафақат ушбу тилдаги касбий терминология ва педагогик мавзулар билан таништириш, балки уларни маданиятларнинг фаол диалогига жалб этиш йўллариини излаш керак, токи улар амалда улар учун янги бўлган маданий шароитларда тилнинг фаолият кўрсатиш хусусиятларини билиб олишлари керак.

Олиб борилган изланишлар бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг инглиз тилида касбий компетенцияларини шакллантириш мақсадида қўлланилган технологиялар, жумладан, тьюторлик технологиялари барча мезонларнинг, айниқса, касбий-коммуникатив мезонининг аҳамиятлилик даражасининг тажриба-синов ишларида олинган натижаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини статистик таҳлил асосида исботлаш талаб этилади. Юқоридаги олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш ва статистик хулосалар чиқариш учун математик статистика методларидан фойдаланилди.

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлиб, уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари 11% дан 14% гача юқори эканлиги кўриниб турибди. Олинган натижа кўрсаткичлари (миқдор ва сифат) бўйича тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлигидан далолат беради.



**4-расм. Самарадорлик коэффиценти диаграммаси**

Олинган натижаларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида математик-статистик усуллариининг Стъудент критериясидан фойдаланилди ва тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳига нисбатан ўртача 13% га юқори эканлиги исботланди.

## ХУЛОСА

Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенциясини Англия педагогик тажрибаси асосида такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Жаҳонда ўқув жараёнини модуль-кредит тизими асосида ташкил этиш, талабаларнинг индивидуал таълим олиш траекторияларини яратиш, уларнинг касбий-педагогик амалий компетенцияларини такомиллаштириш зарурлиги аниқланган.

2. Англия узлуксиз педагогик таълим тизимида инспекторлик ва консултацион хизматга, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда мактаб стажировкасига, стажёр-ўқитувчининг «синов йили»да назарий ва амалий тайёргарлигига, мактабдаёқ бўлажак ўқитувчиларни танлаб олиш ва тайёрлаб бориш зарурияти аниқланган.

3. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенциясини ривожлантириш модели ўқитувчининг шахсий кўникмалари ва малакаларини манзилли ривожлантиришга қаратилган адекват эмоционал-қадриятли мотивларга мутаносиб миқдорий ҳамда сифат кўрсаткичларни ошириш асосида такомиллаштирилган.

4. Тадқиқот натижасида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мустақил таълим олиш фаолияти ташкилий-методик ёрдам тизими ривожланишига қаратилган эркин дискуссия элементлари ҳамда муаммоли интерфаол маърузаларни киритиш асосида такомиллаштирилган.

5. Англия узлуксиз педагогик таълим тизими илғор тажрибалари, республикамиз олий таълим муассасаларида улардан самарали фойдаланиш имкониятлари очиб берилди: узлуксиз касбий педагогик таълим соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини таълим ва таълимни бошқариш фаолиятлари билан интеграциялаш; янги ахборот ва коммуникацион ҳамда педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнига жорий этишни рағбатлантириш; касбий педагогик таълимни интеграциялаш ва мазмунининг вариативлиги ҳамда узвийлигини таъминлаш; касбий педагогик таълим тизимини ривожлантиришда бозор механизмларидан самарали фойдаланиш; мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ишларини зарурати далилланган.

6. Тажриба-синов ишлари жараёнида тьюторлик тизими педагогика олий таълим муассасаларида таълим жараёнига жорий этилди. Тьюторлик фаолиятининг синов модели бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш, уларнинг хорижий тилда касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнида синовдан ўтказилди. Тьюторлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таълим олувчиларнинг индивидуал эҳтиёжларини инобатга олиш, шахсни янада ривожлантиришнинг оптимал ва самарали вариантларини ўрнатишга қаратилган шароитлар яратишни таъминлаб берилган.

7. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцияси бир-бирини тушунишга бўлган реал тайёрлик ҳамда мулоқот мақсадларига корпоратив валидлигини декларатив билимлар ва шахсий хусусиятларга идентивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020 Ped.P.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ЖАББАРОВ УЛУГБЕК АБДУРАХМАНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ  
УЧИТЕЛЕЙ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА НА ОСНОВЕ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОПЫТА АНГЛИИ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.Phd/Ped300.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)), а также в информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Нурманов Абдиназар Ташбаевич</b> доктор педагогических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ахмедова Лайло Талибжановна</b> доктор педагогических наук, профессор <b>Кадирова Мунира Расуловна</b> доктор педагогических наук (DSc), доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Самаркандский государственный институт иностранных языков</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в «\_\_» часов на заседании Научного совета за DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована под номером №\_\_\_\_). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27. Тел.: (+99871) 276-79-11, факс: (+99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(протокол реестра под номером \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Б.С. Абдуллаева**  
Председатель ученого совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

**Р.Г. Исянов**  
Секретарь ученого совета по присуждению  
ученых степеней, к.п.н., доцент

**Н.А. Муслимов**  
Председатель ученого семинара  
при Ученом совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире в системе образования происходят интеграционные процессы, внедряются кредитно-модульные технологии в подготовке высококвалифицированных кадров, свободно владеющих мировыми языками и соответствующих международным стандартам в условиях интернационализации образования. Сегодня «...более 90% всех международных коммуникаций и документооборота осуществляется на английском языке...»<sup>1</sup> учитывая это, на основе передового зарубежного опыта проводится системная работа по гармоничному обучению языку и культуре, развитию компетенций межкультурного общения, совершенствованию профессионально-педагогических компетенций будущих учителей по изучению языка.

В мире в образовательных и научно исследовательских учреждениях особое внимание уделяется научным исследованиям по развитию социально-профессиональных компетенций будущих специалистов, созданию информационно-коммуникационной среды обучения, определению организационно-инновационных условий, совершенствованию профессионально-коммуникативных и социально-культурных компетенций будущих учителей на основе передового опыта, внедрению мобильных технологий в учебный процесс, непрерывному наращиванию научно-методического потенциала преподавателей на основе передового зарубежного опыта, культурной направленности обучения, совершенствованию педагогических технологий на основе «межкультурного диалога» – межкультурной коммуникации.

В нашей республике за последние годы созданы нормативные основы и материально-техническая база для подготовки кадров, свободно владеющих иностранными языками, в условиях глобализации и установления международного сотрудничества, интенсивной интеграции Республики Узбекистан в мировое сообщество осуществляются широкомасштабные реформы в экономической, культурной и социальных сферах. «Пересмотр условий образовательной организации в отношении средств обучения, установление особых требований к дистанционным (онлайн) технологиям обучения, формирование правовых основ для организации образовательного процесса на основе признанных зарубежных и международных стандартов»<sup>2</sup> было определено в качестве приоритетной задачи. В результате, в целях совершенствования профессиональной компетентности будущих учителей английского языка на основе педагогического опыта Англии требуется

---

<sup>1</sup> Концепция преподавания предмета «иностранные языки» в Российской Федерации. <http://саскалинская-школа.шимобр.рф/wp-content/uploads/2022/01/Kontseptsiya-angl.pdf>

<sup>2</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №312 «О мерах по эффективной организации популяризации изучения иностранных языков». - Ташкент, 19 мая 2021 года.

разработка инновационной системы совершенствования профессиональной компетентности и определение педагогических условий ее эффективности.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-5847 «О Концепции развития системы высшего образования до 2030 года» от 8 октября 2019 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-5117 «О мерах по продвижению на качественно новый уровень изучения иностранных языков в Республике Узбекистан» от 19 мая 2021 года, № ПП-289 «О мерах по повышению качества педагогического образования и дальнейшему развитию деятельности высших образовательных учреждений по подготовке педагогических кадров» от 21 июня 2022 года и других нормативно-правовых документах, соответствующих данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

